


# **Бугун Элликқалъа туманидаги 4 та сектор худудларида оммавий сайёр қабуллар ташкил қилинди**

Бугун халқимизни күп йиллардан буён үйлантириб келаётган муаммоларга ечим топилиб, юртдошларимизнинг фаровон турмуш кечириши учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Бу борада республикамизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган сайёр қабулларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.



Бугун Элликқалъа туманида 4 та сектор раҳбарлари иштирокида аҳоли билан оммавий очиқ майдонларда сайёр қабуллари ташкил қилинди.



Белгилаб берилган топшириклар ижроси юзасидан сектор раҳбарларининг барча маҳаллаларда сайёр қабул график режасини тасдиқланди.

Қабулларда сектор раҳбарлари, ҳоким ўринbosарлари ҳамда мутасадди раҳбарлар томонидан фуқароларнинг турли масалалардаги мурожаати тингланди ва вақт талаб қилмайдиган мурожаатлар жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинди.

Image not found or type unknown

Image not found or type unknown

**Элликқалъа тумани ҳокимлиги ахборот хизмати**